

Ақийда дарслари (161-дарс). Ризқ ўз эгасини топишда адашмайди



17:00 / 13.12.2021 3847

Имом Ибн Аби Дунё ва ал-Ҳоким ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Руҳул қудус менинг кўнглимга «Нафс ўз ризқини тўлалигича олмагунича зинҳор ўлмас. Аллоҳга тақво қилинлар, талаби ризқни гўзал қилинлар, ризқнинг кеч қолиши сизни уни Аллоҳга маъсият ила талаб қилишга олиб бормасин. Албатта, Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсага фақат У Зотга тоат қилиш ила эришилади», деган маънони солди», деганлар.

Бу ҳадисдан ҳам бир неча муҳим фойдалар оламиз:

1. Ҳар бир жон ризқини тўла олиши муқаррар экани.
2. Талаби ризқни тақво асосида, ҳалол йўл билан қилиш зарурлиги.
3. Ризқи кеч қолса, ҳаромга қўл уриш мумкин эмаслиги.
4. Аллоҳ таолонинг ҳузуридаги нарсага эришаман деган одам У Зотга тоат қилмоғи лозимлиги.

Имом Байҳақий Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтадилар:

«Албатта, ризқ бандани худди ажали уни қувгандек қувиб юради».

Демак, ризқ адашиб кетиши мумкин эмас экан.

Имом Муслим Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам шундай деганлар:

«Албатта, Аллоҳ покдир ва покдан бошқани қабул қилмас. Албатта, Аллоҳ мўминларга расулларга амр қилган нарсани амр қилган, «Эй пайғамбарлар! Пок нарсалардан енглар ва солиҳ амаллар қилинглари. Албатта, Мен нима амал қилаётганингизни ўта билувчиман», деган».

Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби ризқни пок ва нопокка тақсим қилган бўлса ҳам, Аллоҳ таоло фақатгина ҳалол, пок ризқнигина қабул қилишини таъкидлайди. Ажру савоб ҳам шунга боғлиқ. Аллоҳ таоло ҳаром, нопок ризқни қабул қилмайди. Балки унинг сабабидан жазолайди, азоб беради.

Мўмин киши ризқ Аллоҳ таолодан эканлигига иймон келтирганидан кейин очкўз бўлмайди ва ҳаромга қўл урмайди.

У ҳалол, пок йўл билан ризқини териб ейишни йўлга қўйиб, қаноат билан саодатли турмуш кечиради.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди